Published on *insonvaqonun.uz* (http://insonvaqonun.uz)



10.10.2018




Нотариусга саволларингиз борми? Ҳуқуқий масалаларда ечилмаётган муаммолар қийнаяптими?

Сизда ҳуқуқшунослар билан бевосита учрашиб, уларга саволлар бериш имконияти бор.

Адлия вазирлиги фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида **"Ҳуқуқий билимлар куни" флешмобини** ўтказади.

Флешмоб жорий йилнинг 11–12 октябрь кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар бутун республика бўйлаб ўтказилади. Бунда вилоятлар ва туманлар марказларида ташкил этилган ҳуқуқий тарғибот нуқталарида қатор тарғибот тадбирлари режалаштирилган.

Шу кунлари аҳолига нотариуслар ва адвокатлар томонидан бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилади. Шунингдек, фуқароларни ҳуқуқий билимларга қизиқтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга рағбатлантириш учун турли танловлар, викториналар, шу жумладан тестлар ташкил этилади. Ғолибларга эсдалик совғалари ҳамда Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий қўлланма тақдим этилади.

Тадбир Тошкент шаҳрида М.Улуғбек туманидаги "Эко бозор" савдо мажмуасида, "Ғ.Ғулом" истироҳат боғида, "Анҳор Локомотив" паркида, Яккасарой туманидаги "Next" савдо мажмуасида, "Олой" бозорида, "Мега планет" савдо мажмуасининг олд майдонида ўтказилади.

Ҳуқуқни фаол тарғиб қилиш шаклида ўтказилаётган ушбу флешмоб учун махсус флаерлар, буклетлар ва бошқа тарғибот материаллари ишлаб чиқилган.

Адлия вазирлиги фуқароларни ушбу флешмобда фаол иштирок этишга чорлайди.

134 Чоп этиш [1] PDF [2]

## Сўнгги янгиликлар:


- Адлия вазирининг ўринбосари Жиноят судлов тизимида юридик ёрдамдан фойдаланиш эркинлиги бўйича халқаро конференцияда иштирок этди [3]
- Адвокатлар палатаси: Соҳадаги жонланиш, ҳимоя ҳуқуқи қоғозда эмас, амалда таъминланади [4]

- Газетанинг 45 сони нашрдан чиқди [5]
- Халқ таълими тизими соҳасида яхши янгилик [6]
- “Юридик хизмат учун бир кун” тадбирида муаммолар муҳокама қилинди [7]
- “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди. [8]
- Архив ҳужжатларини рақамлаштириш учун дунёдаги энг яхши ускуналардан фойдаланилади [9]
- Ўзбекистон Адлия вазирлиги ГФРнинг Адлия ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш федерал вазирлиги билан ҳамкорликни йўлга қўйди [10]
- Газетанинг 44 сони нашрдан чиқди [11]
- Мен ҳам нафақа олишга ҳақли эканман [12]

---

**Source URL:** http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4216

**Ссылки**
[1] http://insonvaqonun.uz/print/4216
[2] http://insonvaqonun.uz/printpdf/4216
[3] http://insonvaqonun.uz/node/4339
[4] http://insonvaqonun.uz/node/4336
[5] http://insonvaqonun.uz/node/4335
[6] http://insonvaqonun.uz/node/4334
[7] http://insonvaqonun.uz/node/4330
[8] http://insonvaqonun.uz/node/4323
[9] http://insonvaqonun.uz/node/4318
[10] http://insonvaqonun.uz/node/4317
[11] http://insonvaqonun.uz/node/4311
[12] http://insonvaqonun.uz/node/4308